



YOSHLAR OVOZI

TAASSUROT

БЕЛОРУС ҚАЛБИ ЎЗБЕК УЧУН ОЧИҚ

7-8 август кунлари Тошкентда "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуманда хорижда ўзбек адабиётини ўрганиш ва тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди. Шу ўринда Ўзбекистон ва Беларусни боғловчи адабий дўстликнинг баъзи бир лавҳаларини тилга олишни хоҳлардим.

Тарих ўтмишида қолдирилган изларни ҳеч қачон унутмайди. Тарих ҳамisha очик ва ойдин, у авлодларга ўтган замон ҳақида эслатиш учунгина эмас, балки қандай ўй ва фикрлар, тасавурлар билан эртанги кунни куришни ўргатиш учун ҳам узидан кейин доимо хотиралар қолдиради. Орта назар қолсак, Ўзбекистон ва Беларусни боғлаб турган кўпгаб ришталар бўлганини кўраимиз. Бундай яқинлик адабий алоқаларимизда ҳам намоён бўлади.

1930-йиллардаёқ Беларус халқ ўланчиси Янка Купаланинг номи ўзбек китобхонага маълум эди. 1932 йилда Ўзбекистонда меҳмон

бўлган ёзувчиларимиз — Петро Глебко, Илларион Барашка, Микола Хведорович маҳаллий ижодкорларга Янка Купала ижоди ҳақида сўзлаб берган. 1942 йилда республика матбуотида шoirнинг асарларидан қилинган ilk таржималар босилди. "Қизил Ўзбекистон" газетаси Янка Купаланинг "Белорус партизанларига" номи машҳур шеърини чоп этди.

Янка Купала вафот этганидан кейин — 1943 йил 27 июнда Беларус Фанлар академияси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бевоқиф иштирокида Беларус халқ ўланчисининг ижодиға бағишланган илмий анжуман ўтказди. Унда белорус адабиётшуноси, шoir ва таржимон Степан Лиходневский маъруза қилди. Қайд этиш керакки, олим кўп йиллар давомида Ўзбекистонда ашаб, ўзбек адабиётининг кўпгина намуналарини рус ва белорус тилларига таржима қилган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида эса, Тошкент олим учун қадрдон шаҳарға айланди. Шу ерда унинг китоблари чоп этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ADABIY NAMKORLIK

АДАБИЁТ МУҲИБЛАРИНИНГ ДЎСТЛИК МАЙДОНИ



Ҳали инсоният дунёни тўла таниб улгурмаган, улкан тоғлар буй кўрсатмаган, ер юзини шамолнинг даҳшатли овози тутган бир пайтда ОНА АЛЛАСИ янгради. Бўрон тинди. ИЗТИРОБ инсон кўксига камалакдай жила қилди. Одам КЎНГИЛ аталмиш мўъжиза ила ilk давфа юзма-юз бўлди. Айни лаҳза бахтининг ҳам энг тотли онлари эди! Кейинчилик жами мавжудликни номлай бошлаган одамлар бу мўъжизани АДАБИЁТ деб

атади. Шубҳасиз, у мактаб дарслигида ёзилгани каби адабни ўргатади. Лекин адабиёт беадаб ўқувчисини синфхона бурчағига тик турғизиб қўядиган ўқитувчи эмас. У она алласи каби кўнгида гузал туйғуни уйғотиб — ўзликка рўпара қилиб тарбият этади. Бугунги глобаллашув замонида дунё халқлари олдига ўзлигини сақлаб қолишдек улкан вазифа турибди. Зеро, асримизга келиб, дунё кўз қуриб қулоқ эшитма-

ган даҳшатларға гувоҳ бўлаётир. Бу кургуликларнинг барини жамлаб "оммавий маданият" дея атаганмиз. Инсоний туйғулар таназуулиға сабабчи бўлаётган бу ҳодисадан ёшларни асраб қолишда адабиётнинг ўрни беқиёс. Ана шундай вазиятда миллий адабиёт нафақат уша миллат ёшларини, балки дунё халқларини ҳалокатдан сақлаб қолади. Юртимизда адабиётға давлат сийсати даражасида эътибор қаратила-



Муҳаммад
Ҳалим ЁРҚИН,
адабиётшунос олим
(Швеция):

— Алишер Навоий туркнинг энг улғу шоири. У туркий тилининг бор жозибаси ва бойлигини кўрсатиб берган. Навоийнинг тилини тушуниш учун йиллар давомида турли лугатлар тузилди. Мирзо Меҳди-хон тузган "Санглоҳ" лугатида Навоий асарларидаги тушунилиши қийин бўлган 6 мингга сўз изоҳланган. Бу лугат XVII асрда тузилганини ҳисобға олсак, уни айни замонимизға мослаб бойитиш эҳтиёжи бор. Шу билан бирға, "Санглоҳ"ни Ўзбекистонда ҳам нашр этиш керак. Зеро, Навоийни англашда бу лугатнинг аҳамияти катта.

ётгани ҳам бежиз эмас. "Алпомиш", "Гўрғули" каби минг йилликларға бўйлашадиган дostonлари, Навоий, Бобурдек даҳо ижодкорлари бўлган эл фарзандлари аждодларға муносиб бўлиб улғаймоғи керак.

(Давоми 2-саҳифада)

МУСТАҚИЛЛИК

27
ЙИЛ



MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ КЕРАК

Алла — она меҳрининг самимий ифодаси. У мурғак чақалоқнинг қалбига эзгу ҳислат ва фазилатларни пайдо қилади. Санъатта иштиқ айнан волидамнинг алласи орқали уйғонган бўлса, не ажаб.

Онамнинг айтишича, болалигимда ойнаи жаҳондаги санъаткорларға тақлид қилиб, ўзимча нималарнидир хиргойи қилиб юрар эканман. Вақт ўтиши билан бу қизиқиш мақсада айланди. Устозим Шаҳриёр Дадажоновдан соҳа сирларини кўнт билан ўрганишға киришдим.

14 ёшимда ilk ютуғимни қўлга киритдим. Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги ёш ижрочилар кўрик-танловининг республика босқичида совриндор бўлдим. Шу йили "Истиқлол ғунчалари" кўрик-танловида учинчи ўринни эгалладим. Бироқ бу натижалар мен учун етарли эмас эди. Олга интилишдан тўхтамадим. Устозим берган сабоқлар, тинимсиз машқлар ўз натижасини берди.

2015 йилда Самарқанд шаҳрида ашула ва рақс ансамбллари ўртасида ўтказилган беллашувда "Энг яхши ижрочи" дея тан олиндим.

Орадан икки йил ўтиб Париж шаҳрида ўтказилган "Rendez vous a Paris" халқаро танловида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи ўринға сазовор бўлдим. Дунё саҳнасида ўзбек ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслигини яна бир бор

намоён этганимдан бошим кўкка етди.

Жорий йил ҳам мен учун омадли келди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибасиға айландим. Бу эса, нафақат рағбат, балки зиммамға юкланган масъулият ҳамдир.

Айни пайтда Гулистон санъат коллежида эстрада ва вокал артисти йўналишида таълим олаётиман. Шунингдек, Сирдарё вилояти мақом ансамблида фаолият юритаман. Яқинда Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро мақом фестивалиға тайёргарлик кўряпмиз.

Ҳар гал турли танлов ёки тадбирлардан қайтар эканман, Ўзбекистон фарзанди эканимға шукрона келтираман. Мустақил юртимизда ёш авлоднинг баркамол бўлиб шаклланишимиз учун барча шароитлар яратилган. Эртанинги ўйлаб қилинаётган ишлар мен каби тенгдошларимни янги марралар сари етакламоқда. Биз, ўзбек ёшлари бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдор бўлиб, бериладан ишончни оқлашимиз керак.

Мадина МАЪМИРОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти совриндори

ESHITDINGIZMI?

ТАЛАБА — РАҲБАР



Тошкент Халқаро Вестминстер университети талабаси, Ёшлар иттифоқи аъзоси Саидакбархон Акбаров Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчисини этиб тайинланди.

Ушбу лавозимға у шахсан Президентимиз томонидан номзод сифатида тақлиф этилган. Жорий йилнинг 29 июнь кунни Олмазор туманида давлат раҳбари иштирокида бўлиб ўтган мажлисда Саидакбархон сўзға чиқиб, туризмни ривожлантиришға доир бир қанча амалий тақлифлар билдирган.

Остонада ЎЗБЕКISTON САВДО МАЖМУАСИ ҚУРИЛМОҚДА

Бу Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Қозғистон Республикасидаги ваколатхонасида рўйхатдан ўтганидан кейин ташланган ilk амалий қадамдир.

Янги мажмуадан ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ ҳўжалиғи, мебель, тўқимачилик ва бошқа саноат маҳсулотлари жой олади. Шу ернинг ўзида хорижий ҳамкорлар топши, маҳаллий брендларни реклама қилиш ва кўрғазмалар ўтказиш мумкин бўлади.



Ташаббус Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасиға тегишли. Янги веб-ресурс фуқароларға атроф-муҳит ҳолати, шу жумладан, маиший чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини беради. Улар мавжуд ҳолатни фото ёки видеоға олиб порталға жойлаштириши ва шу орқали мутасадди органларни хабардор этиши мумкин.

YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI — AMALDA

10 ТА ТИКУВ МАШИНАСИ БЕРИЛДИ



"Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturi ijrosi doirasida Sherobod tumaniда эзгу ишға қўл урилди. Ҳудудда утказилган ўрганишлар давомида ижтимоий ҳимояға муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандлари, жисмоний имконияти чекланган ёшлар касаначилик билан шуғулланиш истагини билдириб, тикув машинаси олишда



ёрдам сўраган. Куни кеча Ёшлар иттифоқининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Охун Умаров туман мутасаддилари

билан биргаликда ўн нафар тенгдошимизға керакли жихозларни топширди.

Бундан ташқари, ёшлар етакчисини ҳудудда ташкил этилган "Фидойи ёшлар отряди" фаолияти билан ҳам танишди. Шу кунгача отряднинг

80 нафар аъзосиға меҳнат дафтарчаси очилган.

Наргиза
ҚОРАБОВА

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИ КЕЧИҚТИРИБ БЎЛМАЙДИ



Фарзандиға яхши-ёмондан сабоқ бериш ўрниға, фақат иссиқ-совуғидан хабар олувчи ота-она қанадай қилиб уни илатдан асрай олсин? Кўришиб турганидек, масаланинг туб илдизи тарбияға бориб тақалаверади.

3-саҳифада ўқинг

ESLAYSIZMI?

Россиянинг "Росатом" давлат корпорацияси билан Ўзбекистонда биринчи атом электр станциясини қуриш бўйича келишувға эришилди.

Улкан лойиҳа Навоий вилоятида амалға оширилиб, ҳар бири 1 минг 200 мегаватт қувватға эға иккита энергоблокни ўз ичига олади. Станция ишға тушса, йилиға 3,7 миллиард куб метр табиий газни тежаш мумкин.



АДАБИЁТ МУҲИБЛАРИНИНГ ДУСТЛИК МАЙДОНИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Кун кеча пойтахтимизда ўтказилган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференциядан кўзланган мақсад ҳам адабиётимизни

Юртимизда адабиётга қаратилган эътибор ҳақида фикр алмашди. Президентимизнинг конференция иштирокчиларига йўлаган табриги-ку уларни ростмана тўқинлаштириб юборди. Шўбааларда давом этган мулоқотларда халқаро адабий алоқаларни кучайтириш ва



**Фатма АЧИК,
Ғози университети профессори
(Туркия):**

— Маърузам Эркин Аъзамнинг “Навоийни ўқиган болалар” ҳикояси ҳақида бўлди. Бу асар мисолида ўзбек насрининг имкониятларини кўриш мумкин.

Энди бевосита конференция ҳақида тўхталсам. Барчаси жуда ажойиб бўлди. Доимо юртингизга келишни истаганман. Лекин базис сабаблар тўғрисида бунга имконият йўқ эди. Бугун эса, бизни расман меҳмонга қабул қилди. Жуда хурсандман! Ҳаммаси учун ташаккур!

Туркияда ўзбек тилидан дарс бераман. Шу боис юртимиздаги ўзбек тили ва адабиётига қизиқадиган, уни татқиқ этадиган олимларни танийман. Лекин Ҳиндистон, Канада, АҚШ каби бошқа давлатларда сизнинг адабиётингизни ўрганиб, таҳлил этадиган мутахассислар борлигидан беҳабар эдим. Бугунги анжуман бизни бир жойга жамлади, дўстлаштирди.

жаҳонга танитиш, дунё адибларининг энг сара асарларини ёшларимизга тарғиб этишдан иборат бўлди. Турри, дунё аҳли Навоийни, Бобурни танийди. Уларнинг ижодига бағишланган илмий ишлар ҳам талайгина. Аммо бунинг ўзи етарли эмас.

Сўхбатлардан бирини навоийшунос олим Анвар қори Турсунов: “Ёшларимизни жаҳолатдан асраш учун Навоий ижодини тарғиб қилсак кифоя”, — деганди. Дарҳақиқат, Алишер Навоий бобомиз дунё тамаддунида ўз ўрнига эга шахс. Шундай экан уни нафақат ўзимиз, балки дунё ёшларига ҳам ўқитишимиз, ўқитишимиз даркор. Жаҳоннинг 25 давлатидан ташриф буюрган қирқ нафардан зиёд иштирокчилар ҳам ана шу фикрни яқдиллик ила таъкидлади.

Анжуман Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси биноси билан танишишдан бошланди. Сўнг иштирокчилар Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида тўташ майдондаги Ҳазрат Навоий ҳайкали пойига гуллар кўйдди. Илмий ишлари китоб ва рисолалари, ижтимоий тармоқлар орқали бир-бирини таниган иштирокчилар чинакам адабиёт байрамга айланган анжуман сабаб илк бора дийдорлашди. Неча йиллардан буён кўришмаган қадрадонлар бир-бирини бағрига босди. Айниқса, аксарият хорижлик меҳмонлар ўзлари меҳр кўйган ўзбек тилида бемалол сўзлаша олиши барчага кўтаринки кайфият улашди. Анжуман иштирокчилари миллий адабиётимизни дунёга танитиш ҳақида таклиф ва истақлари билан ўртоқлаш-

ўзбек адабиёти намуналарини чет элда нашр қилиш масалалари муҳокама этилди. Озарбайжон, Тожикистон ва Қозоғистон ёзувчилар уюшмалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Шўбаалардаги маърузаларни тинглаб, халқаро миқёсда бажарилиши лозим бўлган ишлар салмоғи яққол кўзга ташланди. Бу ишларни амалга оширишда адабиётшунос олимлар, таржимонлар ва адиблар ҳамкорлиги муҳим экани аён бўлди.

Биринчи шўбада ўзбек мумтоз адабиётини хорижда ўрганиш ва тарғиб этиш масалалари кўрилган бўлса, иккинчисда замонавий адабиётимизнинг дунёга танилиши ҳақида гап борди. Бундан ташқари баъдий таржима ва ушбу соҳадаги жаҳон тажрибаси ҳақидаги маърузалар ҳам тингловчиларда қизиқиш уйғотди. Айниқса, халқаро адабий алоқаларни кучайти-

**Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири:**

— Мумтоз ва замонавий адабиётимизни жаҳонга олиб чиқиш буйича биринчи катта амалий иш бажарилди. Бу Ўзбекистонга обрў олиб келадиган ҳодиса, албатта. Сабаби бундай йигинлар катта маблағ талаб этади. Қолаверса, шунча олимни бир жойга жамлаш ҳам муаммо. Конференцияга кўзга кўрилган мутахассис ва ижодкорларнинг ташриф буюргани уларнинг юртимизга, адабиётимизга қизиқиши, эҳтироми юксалигидан далолат беради. Бу биринчи қадамлар. Бугун бир-биримизни танидик. Шўбаларда ўзаро фикр алмашдик. Ҳатто тушлик чоғида хорижлик иштирокчилар билан қирқ йиллик қадрадонлардай гурунқ қилдик. Ана шу сўхбат давомида ўз юртимизда бўлаётган ўзгаришлар хусусида ўртоқлашдик. Асарларини таржима қилса арзийдиган ёшлар ҳақида сўзлашдик. Улуғларимизни яхши таниймиз, мутлола қиламиз, энди ёшларни ҳам танитадиган вақт келди, деган фикр айтилди.

Одатда адабиёт секин танилади. Негаки, таржимон ўз муаллифини топиб олиши, уша тилини яхши билиши керак. Бугунги анжуман ана шу жараёнга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади. Келгусида бундай ижодий учрашувлар бардавом бўлади, дея умид қиламан.

ришга доир мулоқот қизғин кечди. Меҳмонлар ўз таклиф ва истақларини билдирди. Келгусида бундай ҳамкорлик давом этишига ишонч билдирди.

Физикада “ишқаланиш кучи” деган тушунча бор. Ишқаланиш кучи бўлмаса дунёда мувозанат йўқолиши фанда исботланган. Содада қилиб айтадиган бўлсак,

тил ва адабиёт ривожига аҳамият қаратилган. Шу маънода юртимизда илк бор ўтказилган халқаро конференция халқимиз даҳосини янада юксалтириш йўлидаги дадил қадам бўлди, дея айта оламиз. Баҳонада Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носиру Фитратларнинг ижодини ўрганиб, ўз юртида тарғиб



БЕЛОРУС ҚАЛБИ ЎЗБЕК УЧУН ОЧИҚ

(Бошланиши
1-саҳифада)

Яна бироз ортга назар ташлаб, 1932 йилда белорус ёзувчиларининг Ўзбекистонга сафарини ҳақида тўхталмоқчиман. Ушанда П.Глебко, И.Барашко, М.Хведорович Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қўқон шаҳарларида бўлиб, халқ ҳаёти билан танишганди. Микола Хведорович “Ўзбекистонга” номли шеърда ўзбек пахтакорларининг меҳнатига тасанно айтгани ҳам бор гап.

1930-йилларда Москва, Ленинград, Смоленск шаҳарлари ҳамда Украинада бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам белорус адабиёти кечалари ўтказилган. Таъбирининг бирида қатнашган белорус шоири Андрей Александрович кейинчалик шундай ёзди: “...Биз ўз асарларимиз қаторида қардош халқлар шеърини қилган таржималаримизни ўқидик... Бундай учрашувлар ўзаро ижодий муносабатлар ўрнатилишга кўмак беради, қарошлик тўйғуларини ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлайди”.

Кўп ўтмай ўзбек шоири Уйғун Минскка меҳмон бўлиб келди. 1936 йилда у Совет ёзувчилар уюшмаси бошқаруви

плениумининг шеърини бағишланган кенгайтирилган йиғилишида қатнашиб, Якуб Колас билан танишди. Орадан йиллар ўтиб, Уйғун Якуб Колас ижодидан кўп нарсаларни ўрганганини айтган.

Якуб Коласнинг Ўзбекистондаги ҳаёти алоҳида мавзу. Агар бу ҳақда гап очилса, кўплаб газета, журнал ва нашриётлар, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, шоир яшаган уй, уруш пайтида дўст тутиган ўзбек шоир ва ёзувчиларининг исм-шарифларини бирма-бир ёлга олишга бугунидан ҳикоя қилувчи асарларни белорус ўқувчиларига етказишга ҳаракат қилди. 1946 йилда “Чырвоная змена” газетасида Ойбекнинг “Навоий” романи ҳақидаги мақола чоп этилди. 1948 йилнинг 15 майида Беларуснинг бир йўла иккита етакчи наشري — “Звязда” ҳамда “Советская Белоруссия” газеталарида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар

босилди. Ҳар иккисининг муаллифи истёвдоли ўзбек ёзувчиси Ойбек эди.

1966 йилда таниқли белорус ёзувчиси Алексей Кулаковский “Ўзбек ҳикоялари” номли тўплам тўзди. Шу йилиёқ ўзбек шоирлари асарларидан ташкил топган “Солнце в арыках” номли тўплам белорус тилида чоп этилди. Иккала китобнинг сўзбоши муаллифи — Лазиз Қажомов. “Ўзбек халқ эртаклари” тўплами ҳам белорус тилига таржима қилиниб, 1966 йилда Минскда нашр этилди. Аслида ўзбек халқ эртакларининг белорус тилидаги таржимаси 1959 йилда ҳам китобхонлар эътиборига ҳавола этилганди.

1967 йилда Минскда Зулфиянинг “Лирика” номли шеърини тўплами Эди Огнецветнинг кириш сўзи билан нашр қилинди. Айтиш керакки, Эди Огнецвет Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкентда яшаган. Унинг бир қанча шеърини тўпламлари 1942-1946 йилларда Тошкентда чоп этилган.

Зулфия белорус адабиёти тарихига бағишланган ҳисса кўшган ижодкордир. У Янка Купала, Эди Огнецвет, Максим Танк шеърларини ўзбек тилига ўғирди,

Янка Купала ижоди ҳақида қатор мақолалар эълон қилди. 1981 йилда “Гулистон” журналида Янка Купаланинг машҳур “Ким келяпти?” шеъри ўзбек тилида босилди. Бу таржима Минскда ҳам уч марта, жумладан, 2017 йилда Янка Купала шеърларининг 1001 тилга қилинган таржималари қаторида чоп этилган. Ўзбек таржимонларининг бу каби ибратли ишлари талайгина. Масалан, уларнинг хизмати билан Владимир Корбан масаллари, Кастуся Кирееенко, Владимир Короткевич, Ригор Бородулин, Павел Ковалёв шеърлари ўзбек тилида жаранглади.

1985 йилда Зулфиянинг белорус тилида нашр этилган шеърини тўплами “Менинг юрагим шундай” деб номланганди. Беларусларнинг ҳам юраги худди ўзбеклар каби дўстларга ҳамиса очик. Ўртамида жуда катта масофа ва чегаралар бўлса-да, ўзбек-белорус адабий алоқаларини янада ривожлантиришга барча имкониятлар бор.

Александр
КАРЛЮКОВИЧ,
Беларус Республикаси
Ахборот вазири

ILMIG'A SHOYISTA AMAL AYLANI ONI SHARAF GAVHARINING KO GAVHARU KON, HAR NE DESAN



**Хисао КОМАТСУ,
Токио университети профессори:**

— Ўзбекистондаги жаҳиллар ҳаракатига қизиқишим кучли. Шу боис илмий фаолиятимда Абдурауф Фитрат ижодини ўрганганман. Фитрат замонасининг янги фикрловчи одами бўлган. Унинг “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи баёноти”, “Шайтоннинг тангрига исёни” асарларини ўргандим. Фитратни тушуниш ва тадқиқ этиш учун у яшаган даврдаги сиёсий-ижтимоий вазият ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш зарур. Фитрат ижоди буйича ўзбек олимларининг ишлари билан танишман. Уларни тўлиқли билан тадқиқ қилган. Негаки, маърифатпарвар аждодингиз илгари сурган ғоя қулами анча кенг. Фитратни Японияда мунтазам тарғиб қиламан. Мақолам ҳатто Япон энциклопедиясига кирган.

муз устида юрган одам сирпанади. Сабаби музнинг юзаси силлиқ. Натижада оёқ ва муз ўртасида ишқаланиш кучи сустлашади. Адабиёт ҳам ана шу физик ҳодисага ўхшайди. У тоғдай юксалган инсоний туйғулар сабаб миллат руҳиятини тик ва тетик тутди. Шу боис эл шаънини улуғлаш учун ҳар замонада ҳам, аввало,

этаётган олимлару адибларни танидик. Улар билан дўстлик риштаси боғланди. Бир пайтлар Навоий бобомизнинг уйда замондошлари мушоира, баҳс-мунозара ўтказгани каби пойтахтимиз адабиёт муҳибларининг мулоқот майдонига айланди.

Боборавшан
ҒОЗИДИНОВ

TADORIK

ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ ШАҲРИСАБЗДА БИРЛАШАДИ

Президентимиз қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 6-10 сентябрь кунлари ЮНЕСКО шафелида юртимизда биринчи мартаба Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилди. Айни дамда мазкур санъат байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмақда. Анжуман олдидан Ўзбек миллий мақом санъати маркази Маданият вазири билан ҳамкорликда давра сўхбатини ташкил этди.



— Халқимиз маданият меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетакрор баъдий услуби ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди, — таъкидлади Ўзбек миллий мақом санъати маркази дирек-

тори Соибжон Бегматов. — Ҳозирда халқаро анжуман комиссияси аъзолари АҚШ, Эрон, Италия, Афғонистон, Ҳиндистон, Тожикистон, Қирғизистон, Хитой, Исроил, Туркия, Бельгия, Германия, Беларусь каби давлатлардан тақдим этилган ижодий ишларни кўриб чиқмоқда. Яқунда созандаю

хонандалар, ансамбллар орасидан энг муносиблари саралаб олинди. Шу кунгача ҳаммаси бўлиб 59 мамлакат вакили, шу жумладан, 22 нафар мусиқашунос ҳамда 26 нафар яққалон ижрочи лойиҳада иштирок этиш истагини билдирди.

Давра сўхбати давомида халқаро анжуман

доирасида “Мақом санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни” мавзусидаги илмий-амалий конференция ҳамда ўзбек, рус, инглиз тилларида нашрга тайёрланган “Мақом нима?” китобининг тақдими ҳам ўтказилиши маълум қилинди.

Мухбиримиз

JURNALNING YANGI SONI

МАВЗУ — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” илмий-маърифий журналининг 2-сонини нашрдан чиқди

Маъмура ХҲЖАҚУЛОВА



Журнал саҳифаларидан асосан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги муносабати билан тайёрланган материаллар жой олган. Уларда мазкур халқаро ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз боради.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурири Отабек Муродовнинг “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш —

прокуратура органларининг энг устувор вазифаси” сарлавҳали мақоласида юртимизда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар чуқур

таҳлил қилинади. Муаллиф Президентимизнинг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари

кафолатларини кучайтириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган қоидаларга ҳар жиҳатдан уйғун эканини таъкидлаган. Зотан, ҳужжатда қайд этилишича, Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зуравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмайди. Бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилади.

Инсоният ҳаётида муайян аҳамият касб этувчи урф-одат ва анъаналар, номодий, маънавий бойликлар қадрият саналади. Улар ўзлигимизни танитувчи восита ҳамдир. “Миллий қадриятлар

асосидаги тарбияда ҳар бир инсон учун дин универсал маънавий ва илоҳий моҳият касб этади. Ислом ҳаётнинг имон саҳнасидаги қонуний яшаш тарзи, эътиқод эса, хулқдаги гузалликнинг ахлоқий асосидир”, — деб ёзди Тошкент ислом университети катта илмий ходим-изланувчиси Сайёра Саидова “Еш авлод тарбиясида қадриятларнинг роли” деб номланган мақоласида. Олима ёшлар тарбиясида виждон эркинлиги масаласига атрофлича тўхталган

Журналда, шунингдек, Шаҳло Сафарова, Шерзод Раҳимов, Хосият Маҳматова, Санжар Саидов, Исмоил Соифназаров қаламига мансуб долзарб мавзудаги, мулоҳазали ва таҳлилий материаллар билан танишиш мумкин.

ANA XOLOS!

ШЕРОБОДДА ҚАДИМИЙ ДАХМА ТОПИЛДИ

Н.АБДУРАҲМОНОВА

У Зарабоғ қишлоғида қазилма ишларини олиб борган Ўзбекистон — Чехия археологик экспедицияси томонидан аниқланди.

Ёлғорлик миллодан аввалги VII-VIII асрларга мансуб бўлиб, зардуштийлик динига оид дея

тахмин қилинмоқда. Дахма тошдан бунёд этилган бўлиб, диаметри 42, баландиндаги эса 1 метрни ташкил этади. Олимлар иншоотнинг қурилиш услуби ҳамда ичидаги одам суякларини қолдиқларини тўлиқ тадқиқ этди. Эслатиб ўтамиз, илгари шунга ўхшаш ёлғорликлар Хоразм вилояти ва Сурхондарё воҳасининг Далварзинтепа ҳудудидан топилиган.

ISLOHOT ODIMLARI

МАҚОМНИНГ МАҚОМИ ЮКСАЛМОҚДА

Рашидаҳон ҲАСАНОВА,
Ўзбек миллий мақом санъати
маркази ходими

**Жайхун каби қадим элнинг
Туйғуси бор мақомда.
Жафолардан синмай қолган
Кўзгуси бор мақомда.
Асрларнинг қаҳқаҳаси,
Кулгуси бор мақомда.
Дутор, танбур, гижжак,
Уд, най
Чолғуси бор мақомда...**



Шоир Ёнгин Мирзо ҳақ — мақом санъати негизда биз учун жуда қадриятли туйғулар ётади. Мумтоз оҳанглари тинглаётганда, кўзимиз беихтиёр ёшланади, баъзан хиром айлаймиз, баъзида эса, қўшилиб хиргойи қиламиз. Узоқ ўтмишга сайр қилиб, ажлолларимизнинг орзу-истаклари, армонлари, ғам-ташвишлари, ошиқ қалбнинг маҳбубига бўлган муҳаббати, гойибона илоҳий ишқдан баҳраманд бўласиз. Мақом санъати асрлар оша яшаб келаётганининг сабаби ҳам шунда.

Афсуски, кейинги йилларда бу бебаҳо қадриятимизга эътибор бироз сусайиб қолган. Унинг мақомини миллий ва халқаро даражада юксалтириш мақсадида қабул қилинган Президентимиз 2017 йил 17 ноябрда “Ўзбек миллий мақом санъати янада ривожлантириш чо-

ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилганидан жуда қувондик. Қарор асосида Ўзбек миллий мақом санъати маркази ташкил этилганининг ўзи ҳам катта воқеадир.

Марказимиз етти бўлимдан иборат. Ҳар қайси йўналишга доир олимий ва амалий фаолият олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, янги тузилма сай-ҳаракати билан устоз санъаткорларнинг ижролари радио ва телевидение “олтин фонди” учун ёзиб қолинмоқда. Худудларда намунавий тарзда ташкил этилган мақом ансамбллари ҳам устоз санъаткорлар жалб этилиб, ёшларга маҳорат дарсларини ўтаётди. Бу эса, янги истеъодларни кашф этишга хизмат қилаётгани, шубҳасиз.

Айтиш керак, бугунги кунда мақом йўналишида Ўзбекистон халқ артистлари — Матлуба Дадабоева, Абдуҳошим Исмоилов, Улмас Расулов, Фафур ва Фулом Эшжоновлар, муסיқашунос

олим, профессор Отаназар Матқубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов каби моҳир ижрочилар “Устоз-шоғирда” аънанасини давом эттиришга муносиб ҳиссасини қўшётди. Шунингдек, улар томонидан махсус қўлланма, монография, тўпламларни яратиш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

Қолаверса, Марказ ташаббуси билан икки жилдик “Мақом” энциклопедиясининг биринчи жилди нашрга тайёрланди. Жорий йилнинг 22 февралдан эътиборан “Маданият ва маърифат” канали орқали “Мақом алифбоси” курсативи эфирга узатишмоқда. “Ўзбеккино” миллий агентлиги билан ҳамкорликда эса, “Шашмақом” телефильми тасвирга олинган.

Мақом тизимиде етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар учун мўлжалланган муסיқий асарлар мужассам. Халқимиз муסיқий меросини ёшлар орасида кенг тарғиб этишни ўйлаб, мактабгача ёшдаги болаларга мос мақом туркумларини CD ва DVD дискларга ёзиб, Мактабгача таълим вазирлигига тақдим этдик. Бу хайрли ишлар, албатта, ўз натижасини беришига ишонамиз.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида жорий йилнинг 18-27 июль кунлари бир гуруҳ муסיқашунос олимларимиз Эрон ва Мисрда бўлди. У ердаги мақом санъати марказлари фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзбек миллий мақомини дунёда тарғиб этиш масалалари кўриб чиқилди.

DOLZARB MAVZU

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИ

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИ

Жаҳонгир РАҲМАТОВ

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 27 июль кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида худудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир аҳвол таҳлил қилинган эди. Йиғилишда ўтган олти ой мобайнида қайд этилган жиноятларнинг 30 фоизда ёшларнинг қўли борлиги аччиқ танқид остига олинган.



Дарҳақиқат, кўпчилигимиз болалар (асосан ўқувчилар) кундуз кўни мактабда ўқиш ўрнига кўча-кўйда, бозор ва савдо дўконларида майда-чуйда нарсалар сотиб ўтиргани ёки “пўшт-пўшт” лаб арава судраб юрганининг гувоҳи бўламиз. Пайриқ туманидаги Челақ шаҳри деҳқон бозорида арава-кашлик қилаётган бир ўсмирни тапга тутдик:

— Исминг нима?
— Рустам.
— Чиройли исм экан. Кимнинг ўғлисан?
— Нима эди, ўзингиз ким бўласиз?
— Ҳавотирланиб сўради йигит.
— Раҳматли дадангни танир эдим, яхши одам бўлган, ҳалол меҳнат қилиб кун кечирарди. Ўшанда сен кичкина эдинг. Бирпасда катта бўлиб қолибсан, нечанчи синфда ўқийсан?
Шубҳа-гумони ошиб, кўрқиб қолган сўхбатдошим: “Кечирасиз, ишим зарур эди”, — дея тезда жуфтани ростлади.

Бу битта мисол. Агар ҳар бир туманда, айтилайлик, ўн та бозор бўлса, ҳар бирида 10 нафарадан 100 нафар, Excel ва архитектура-қурилиш соҳасида қўланиладиган бошқа дастурларда ишлай олиш.

Архитекторга қўйиладиган асосий талаблар:
- олий маълумот;
- архитектура-қурилиш соҳасида камида 3 йиллик иш стажига;
- қурилиш соҳасида амалий қўникма;
- ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиш, инглиз тилини ўзлаштирган бўлиш;
- компьютер саводхонлиги: MS Word, Excel ва архитектура-қурилиш соҳасида қўланиладиган бошқа дастурларда ишлай олиш.

Номзоллардан қўйиладиган ҳужжатлар талаб этилади:
- маълумотнома (объективка);
- паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.
Меҳнатга ҳақ тўлаш — давлат органи даражасида. Жамғарма ходимларига қўнуқчиликда белгиланган тартибда барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий муҳофаза чоралари қўланилади.

бурчи-ку, ахир! Бугун давлатимиз раҳбари бутун эътиборини ёшлар тарбиясига қаратиб, уларнинг он-гида заррача бўшлиқ қолдирмаслик талабини қўяпти. Ҳатто хорижда фаолият кўрсатаётган илғор юрдошларимиз ҳам шундай қарарга келишмоқда.

Аслида ўқувчи, талаба ўқиши, ишчи ишлаши, хизматчи ўз хизматини бажариш лозим. Ёшликда олинган билим тошга уйилган нақш, дейди халқимиз. Лекин билим олиш ўрнига бошқа мақсадларга қалган боладан келгусида яхши инсон, ётуқ мутахассис чиқарилган! Даргумон! Мана шу ҳолат жиноятчиликка йўл очиб бериши мумкин.

Республикамизда ҳар йили қайд этиладиган жиноятларнинг 60 фоиздан зиёдини ўғирлик ташкил этади. Аксарияти ёшлар томонидан содир этилмоқда. Ачинарлиси, мазкур салмоқ камаётгани йўқ. Ҳўш, нега? Жавобни яна маънавий савиямиздан қидиришга тўғри келади.

Ўғирликни олайлик. Мактаб, коллеж ва лицей, олий таълим муассасасида ўқиш кезларида кўпчилик, айтилайлик, китоби, дафтери, рўқасини йўқотиб қўйган, кундалик ҳаётда эса, ҳаёмин, тақинчоғи, соати ёки бошқа нарсаси-буюминини ўғирлаган бўлса, ажаб эмас. Хуллас, ўғирликдан жабр кўрмаган одам деярли йўқ. Демак, бу муаммо фақат муайян тоифа эмас, бутун жамият, керак бўлса, инсониятнинг дардирид.

Республикамизда ҳар йили қайд этиладиган жиноятларнинг 60 фоиздан зиёдини ўғирлик ташкил этади. Аксарияти ёшлар томонидан содир этилмоқда. Ачинарлиси, мазкур салмоқ камаётгани йўқ. Ҳўш, нега? Жавобни яна маънавий савиямиздан қидиришга тўғри келади.

келади. Ўзингиз ўйлаб кўринг: фарзандига яхши-ёмондан сабоқ бериш ўрнига, фақат иссиқ-совуғидан хабар олувчи ота-она қандай қилиб уни иллатдан асрай олин? Кўриниб турганидек, масала-нинг тўб илазии тарбияга бориб тақалаверди. Яна рақамларга кўралик.

Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси берган маълумотларга қўра, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ҳудудда содир этилган қасадан одам ўлдириш, ўғирлик, боққичилик, талончилик, безорилик, фирибгарлик каби жиноятларга 48 нафар коллеж ўқувчиси, 7 нафар олий ўқув юрти талабаси, 119 нафар урушмаган

оширилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар ҳисобига ярим йил ичида жиноятчилик кўрсаткичи 38,1 фоизга камайди. Каттақурғон туманидаги “Дустлик” маҳалласида биронта ҳам жиноят содир этилмаган.

Профилактика инспекторлари учун ўзлари хизмат қилаётган ҳудуддан уй-жой ажратилиб, имтиёзли нархда автомашина сотиб олиш имкониятини яратиб берилгани ижобий натижалар бермоқда, — дейди Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш гуруҳи таъин пунктни профилактика инспектори, лейтенант Зафар Зиятов. — Маҳалламизда 3 минг 405 нафар фуқаро истиқомат қилади. Шундан 273 нафари ёшлар. “Нурафшон” маҳалласи фаоллари билан ҳамкорлигимиз улароқ, ўтган олти ой мобайнида ёшлар ўртасида жиноятчилик қайд этилмади. Лекин бу билан кифояланиб қолиш керак эмас. Ахир, Президент олимизга жиноятчиликни таг-томри билан йўқ қилиб юбориш вазифасини кўндаланг қўйган. Баъзида атрофдан қўнуларимиз ишламаяпти, натижада жиноятчилик ҳам қўпайиб кетмоқда, қабилдаги таъна-дашномларни эшитамиз. Энди ўзимизга савол бериб кўрайлик: қўнуларнинг ишлашини ким таъминлаши, уларга ким итоат этиши, бу борада ким намуна кўрсатиши керак? Жавоб битта — ҳамма! Ёшлар ҳуқуқий тарбиясига на ота-она, на давлат, на жамият бепарқ қарашга ҳақли. Сабаби қўрқик қўлдан чиқади. Ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ташкил этиладиган ёшларга ҳам қўп нарсаси бўлиб, Қўнқаси, ҳуқуқий тарбияни фаолиятимиз негизига айлантира олаканига, тараққиётга раҳна солаётган қўпгина муаммолар барҳам топади.

YOZ — 2018



СПОРТСЕВАРЛАРГА ТИНИМ ЙЎҚ

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Ёшлар иттифоқининг Термиз шаҳар кенгаши “Аму соҳили” дам олиш масканида “Ёшлар жиноятчиликка қарши” шиори остида спорт мусобақасини ўтказди.

Лойиҳада минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этиб, минни футбол, волейбол, сузиш, шахмат, шашка, арқон тортиш, тош кўтариш, катта ва стол теннис баҳсларида маҳоратини намойиш этиди. Беллашувлар нақ уч кун давом этди.

Биринчи кун мусобақанинг 30 та маҳалла фуқаролар йиғини кесимида ташкил этилган дастлабки босқичига старт берилди. Кейинги кун жамоалар маҳаллалараро баҳсларга киришди. Учинчи кун финал ўйинлари учун ажратилди.

Лойиҳага 15 нафар жисмоний имконияти чекланган тенгдошимизнинг ҳам жалб этилгани алоҳида аҳамиятга молик жиҳатдир.

Термизлик Дилшод Буриев 1 гуруҳ ноғирони. Лекин тақдирдан нолимайди. Аксинча, ҳаракатдан тўхтамай, ҳаётда ўз ўрнини топишни, чемпионлик номига сазовор бўлиб, бошқаларга намуна кўрсатишга интилади. Шу боис ҳам мусобақада иштирок этиш истагини билдирган. Натижа ёмон эмас — Дилшод тош кўтариш бўйича барча



рақибларини ортада қолдириб, биринчи ўринни қўлга киритди. “Ёшлар жиноятчиликка қарши” шиори остидаги спорт мусобақалари Сурхондарё ви-

лоятининг бошқа худудларида ҳам ўтказилмоқда. Уларга 16-30 ёшдаги жами 17 минг 640 нафар спортсевар ёш қамраб олинган.

“YOSHLAR — KELAJAGIMIZ” ЖАМҒАРМАСИ

ҚЎЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

бош ҳисобчи — 1 нафар;
бош юрисконсулт — 1 нафар;
молия-иқтисодчи — 2 нафар;
назорат-тафтишчи — 2 нафар;
архитектор — 1 нафар.

Бош ҳисобчига қўйиладиган асосий талаблар:

- олий маълумот;
- умумий 10 йил ва шу жумладан, давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларининг бош ҳисобчиси лавозимиде камида 5 йиллик иш стажига;
- ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиш, инглиз тилини ўзлаштирган бўлиш;
- компьютер саводхонлиги: MS Word, MS Project, Excel, 1С Бухгалтерия ва бошқа бухгалтерия дастурларда ишлай олиш.

Бош юрисконсултга қўйиладиган асосий талаблар:

- олий маълумот;
- юрист лавозимиде камида 3 йил иш стажига эга бўлиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва қонунности ҳужжатларидан тўлиқ хабардор бўлиш;
- ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиш, инглиз тилини ўзлаштирган бўлиш;

Молия-иқтисодчига қўйиладиган асосий талаблар:

- олий маълумот;
- давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларида молиявий бошқарув, иқтисодиёт ҳамда нозорат-тафтиш соҳаларида камида 3 йиллик иш стажига;
- ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиш, инглиз тилини ўзлаштирган бўлиш;
- компьютер саводхонлиги: MS Word, Excel ва бошқа дастурларда ишлай олиш.

лиги: MS Word, MS Project, Excel, 1С Бухгалтерия ва бошқа дастурларда ишлай олиш:

- молиявий ва иқтисодий таҳлил эта олиш, кредит рейтингларини тушуниш;
- ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиш, инглиз тилини ўзлаштирган бўлиш.

Нозорат-тафтишчига қўйиладиган асосий талаблар:

- олий маълумот;
- давлат идоралари, ННТ ва тижорат тузилмаларида молиявий бошқарув, иқтисодиёт ҳамда нозорат-тафтиш соҳаларида камида 3 йиллик иш стажига;
- ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиш, инглиз тилини ўзлаштирган бўлиш;
- компьютер саводхонлиги: MS Word, Excel ва бошқа дастурларда ишлай олиш.

Архитекторга қўйиладиган асосий талаблар:

- олий маълумот;
- архитектура-қурилиш соҳасида камида 3 йиллик иш стажига;
- қурилиш соҳасида амалий қўникма;
- ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиш, инглиз тилини ўзлаштирган бўлиш;
- компьютер саводхонлиги: MS Word, Excel ва архитектура-қурилиш соҳасида қўланиладиган бошқа дастурларда ишлай олиш.

Номзоллардан қўйиладиган ҳужжатлар талаб этилади:

- маълумотнома (объективка);
- паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Меҳнатга ҳақ тўлаш — давлат органи даражасида. Жамғарма ходимларига қўнуқчиликда белгиланган тартибда барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий муҳофаза чоралари қўланилади.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2018 йил 10 августдан 20 августга қадар қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Товшент шаҳар, Навоий кўчаси, 11-уй. Телефон: (+998 99) 858-22-39.

IMKONIYAT OSMON UZRA SAYOHAT

Aqida USMONOVA

Bolalik chog'ida havo sharida osmonga ko'tarilishni ko'pchilik orzu qilgan bo'lsa kerak. Bugun shu orzuni O'zbekistonda ham ro'yobga chiqarish mumkin. Qanday qilib deysizmi?

2017 yilning yanvarida yurtimizda Aeronavtika federatsiyasi tashkil etildi. Aynan shu nodavlat notijorat tashkiloti fuqarolar va xorijiy sayyohlarda havo sharida parvoz etish, ona diyorimizning betakror tabiatini balandlikdan tomosha qilib, bahramand bo'lish imkoniyatini yaratyapti.

Federatsiya havoda uchish sportini ommalashtirish va rivojlantirishni oldiga maqsad qilgan. Rossiyaning



"Rusbal" ilmiy-ishlab chiqarish korxonasi buyurtma qilingan uchta havo shardan bittasi hozirda musaffo osmonimiz uzra parvoz qilmoqda. U birinchi marotaba Chorvoq suv ombori qirg'oqlaridan uchirilgan edi. Keyingi parvozlari sayyohlar eng ko'p tashrif buyuradigan

Buxoro, Xiva, Samarqand shaharlari, shuningdek, Surxondaryoda bo'lib o'tgan "Boysun bahori" festivali doirasida amalga oshirildi. Hozir mazkur xizmat turi "Central park" istirohat bog'i, shuningdek, Toshkent viloyatining Bildirsoy, Chimyon tog' zonalarda ko'rsatilmoqda. Buning uchun dastavval Aeronavtika federatsiyasining ijtimoiy tarmoqdagi sahifasida ko'rsatilgan telefon raqamiga sim qoqib, ro'yxatdan o'tish kerak. Xizmat narxi — 100 ming so'm. Sizga malakali instruktor hamrohlik qiladi. Aytgancha, besh yoshdan kichik bolalarga texnik xavfsizlik nuqtayi nazaridan havo sharida ko'tarilish taqiqlangan.

— Federatsiyamiz qoshida paraplanchilar seksiyasi ham tashkil etilgan, — deydi Aeronavtika federatsiyasi raisi Tohir Soliyev. — Unga barcha xohlovchilar a'zo bo'lishi mumkin. Mashg'ulotlar davomida tajribali sportchilar paraplanda uchish qoidalarini va sir-asrorlarini o'rgatadi.

ENSİKLOPEDİK MA'LUMOT

O'zbek xalqi hayotida mavsumiy va oilaviy-turmuş marosimlari mavjud. Mavsumiy marosimlar yil fasllari bilan bog'liq. Qishkilariga gap-gashtak va "qor xat" yozish; bahorgilariga "shox moylar", "qo'sh chiqarish", "loy tutish", "sust xotin", Navro'z bayrami, sumalak, gul, lola, sunbula sayillari, yozda "choy momo", suv, tut, qum sayillari; kuzgilariga "oblo baraka", Mehrjon, Hosil bayramlari, qovun sayli, uzum, anor va anjir sayillari kiradi.

Oilaviy-turmuş marosimlari ham bir necha guruhga bo'linadi. Bularga bola tug'ilishi va tarbiyasi bilan bog'liq marosimlar, nikoh hamda motam marosimlari kiradi. Shuningdek, o'zbeklarning an'anaviy turmuş tarzida ro'za hayiti (Iyd al-Fitr), qurbon hayiti (Iyd al-Adho) bayramlari, mavlud, ashuro, laylat-ul qadr kechasini kutish bilan bog'liq tarzda o'tkaziladigan diniy marosimlar ham muhim ahamiyat kasb etadi.



1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Albatta. Mazkur holatda ishda qolishga haqqingiz bor. Mehnat kodeksining 103-moddasida aytilishicha: "Texnologiyadagi, ishlab chiqarish va mehnatni tashkil etishdagi o'zgarishlar, xodimlar soni (shtati) yoki ish xususiyatining o'zgarishiga olib kelgan ishlar hajmining qisqarishi munosabati bilan mehnat shartnomasi bekor qilinganda ishda qoldirilgan uchun imtiyozli huquq malakasi va mehnat unumdorligi yuqoriroq bo'lgan xodimlarga beriladi. Malaka va mehnat unumdorligi bir xil bo'lgan taqdirda quyidagi toifadagi shaxslarga ustunlik beriladi: qaramog'ida ikki yoki undan ortiq kishi bo'lgan xodimlar;

- oilasida o'zidan bo'lak mustaqil ish haqi oluvchi bo'lmagan shaxslar;
- mazkur korxonada ko'p yillik ish stajiga ega bo'lgan xodimlar;
- ishlab chiqarishdan ajralmagan holda oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarida tegishli mutaxassislik bo'yicha malakasini oshirayotgan yoki ishlab chiqarishdan ajralgan holda oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarini tamomlagan shaxslar o'qishni tugatgandan keyin mutaxassisligi bo'yicha ishlayotgan taqdirda ikki yil mobaynida;
- ish joyida jarohat olgan yoki kasb kasalligini orttirgan shaxslar;
- urush qatnashchilari, nogironlari va ularga tenglashtirilgan shaxslar;
- atom obyektlaridagi falokatlar oqibatida kelib chiqqan oshirilgan radiatsiya bilan bog'liq nurlanish va boshqa kasalliklarga yo'lloqan yoki shunday oqibatlarini boshidan o'tkazgan shaxslar; nogironligi atom obyektlaridagi falokatlar tufayli boshlangan aniqlangan shaxslar; ana shunday falokat va halokatlar oqibatlarini bartaraf etish ishlari qatnashchilari, shuningdek, mazkur zonalardan evakuatsiya qilingan yoki ko'chirilgan hamda ularga tenglashtirilgan boshqa shaxslar.

(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi.)

SIZ NIMA DEYSIZ?



Dilnoza ABDUHAMIDOVA

Ishxonaga kelsam, hamkasblarimdan birining avzoyi buzuq. Meni ko'rishi bilan shosha-pisha telefonini titkilay boshladi. Yoningamda bo'la turib, menga xabar yubordi: "Diqqat bilan o'qing, iltimos... Allohga ishonangiz, u sizga yoringizni topib beradi, ishonmasangiz, keyingi hayotingiz baxtsiz kechadi. Shu xabarni 17 kishiga jo'nating, sevganingiz sizni kechasi izlab, SMS yuboradi yoki qo'ng'iroq qiladi. Bu aniq. Ishonmasangiz, tekshirib ko'ring. Sizga Allohning nuri tegsin. Ertaga bir yaxshilik bo'ladi. Agar qoidani buzsangiz, baxtingizni o'n yilga yo'qotasiz. 17 kishiga yuboring. 17 daqiqadan keyin barchasi ayon bo'ladi. Bu — rost". Xabarni o'qib, kulib yubordim.

10 kishiga jo'nat va 10 daqiqa kut...

keldi-yu, javdirab turgan ko'zlariga qarab, shashtimdan qaytdim. Gaplarim ko'ngliga bunchalik og'ir botishini bilmagandim. Hech tushunmayman, bir pulga qimmat xat-xabarlarim kutib, kuni bo'yi telefoniga termilib o'tirgandan nima foyda? Qo'ng'iroq bo'lsa, xo'p-xo'p, bo'lmasa-chi? Keyin odam o'zini o'n yil baxtsiz tasavvur qilib yashashi kerakmi?

Ijtimoiy tarmoqlar orqali kelib turadigan xabarlarim o'qib ham ensangiz qotadi.

"Dunyodagi eng chiroyli so'z — Alloh. Eng chiroyli qo'shiq — Azon. Eng yaxshi gimnastika — Namoz. Eng dono kitob — Qur'on. Agar Allohni sevsang, bu xabarni 10 kishiga jo'nat va ertalab Alloh sen uchun nima qilishini kuzat. Taklifini rad etib bo'lmaydi. Xabarni 10 kishiga jo'nat va 10 daqiqadan keyin senga yaxshi yangilik aytishadi, agar jo'natmasang, kulfatni kut".

O'z-o'zidan savol tug'iladi: yuqoridagi gaplarni yozgan odam chindan-da e'tiqodlimi? Modomiki shunday bo'lsa, nahotki bo'lmag'ur ishlarni qilishdan iymansa?! O'sha xabarni 10 kishiga yuborishga ulguradingiz deylik, xo'sh, unda nima bo'ladi? Alloh sevgan bandasiga yomonlikni ravo ko'rmaydi. Bittagina SMSni deb boshiga kulfat yog'dirishi ham amrimahol. Shunday bo'lganda edi, ming-minglab odamlar

xohlamayman!" — desa bo'ladi. So'zlarini eshitib, hayratda qoldim. Bir bema'ni narsaga ishonib o'tirgani, to'g'risi, jahlimni chiqardi.

"Xayoling joyidami?! 17 kishiga yubording ham deylik, senga hech kim qo'ng'iroq qilmasa-chi, unda nima qilasan?" — degim

SALOMATLIK SURLARI

SUV ICHMASLIK ZARAR

Oshqozon, jigar, ichak va buyraklarimiz tabiiy filtr vazifasini bajaradi. Shu asnoda organizmda hosil bo'ladigan tuzlar, yog' va boshqa keraksiz birikmalar tashqariga chiqarib yuboriladi. Bu salomatligimiz uchun nihoyatda zarur.

Umumam olganda, suv ichmaslik zarur. Mazkur holat bir necha oy yoki yillab davom etsa, qon aylanishi hamda qon tarkibi buziladi, semira boshlaymiz, buyrak va bo'g'inlarda tuzlar to'planib, toshga aylanadi. Natijada tabiiy filtrlarimiz zo'r qilib, turli kasalliklar kelib chiqishi tayin. Unutmazlik kerakki, toza



ichimlik suvi o'rini hech narsa bosolmaydi. Biroq oxirgi vaqtlarda dunyo bo'yicha gazli va gazsiz salqin ichimliklar, qadoqlangan sharbatlar iste'moli sezilarli ravishda ortdi. Ba'zi yoshlar-ku ularga mukkasidan ketgan. Mazkur tendensiya yaxshilikka olib kelmaydi.

BILASIZMI?

Sababi jigar va buyraklarimiz "Coca-Cola", shirin yoki achchiq choy, kofe kabi ichimliklar tarkibidagi turfa mikroelementlarni parchalash, saralash va tozalash uchun katta kuch sarflashi kerak. Oddiy suvning esa, bironta ham a'zoga og'irliqi tushmaydi.

Unda nega ba'zi odamlar suvni kam iste'mol qiladi? Avvalo, buning konditsioner sababchi. Salqin havoda, tabiiyki, suvni kamroq ichamiz. Terlash jarayoni ham deyarli yuz bermaydi. Bu esa, organizmdan ortiqcha suyuqlikning chiqib ketishiga imkon bermaydi. Bahor, kuz, qish fasllarida ham shu ahvol. Boz ustiga, ko'pchilik salqin havoda suv ichish shart emas, deb hisoblaydi. Bu yangilish fikr. Suv, qolaversa, vitamin va mineralarga boy boshqa tabiiy mahsulotlarni yil o'n ikki oy iste'mol qilish kuni foydadir.

Ravshan OMONOV tayyorladi.



Aliment to'lash bo'yicha sud qarorini bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslar ota-onalik huquqidan mahrum qilinishi, ma'muriy yoki jinoyat javobgarlikka tortilishi mumkin. Ma'muriy jazo o'n besh sutkaga ma'muriy qamoqqa olishdan iborat. Javobgar Shundan keyin ham bolaga aliment to'lama, ikki yilgacha axloq tuzatish ishlariga jalb qilinadi yoki bir yilgacha ozodlikdan mahrum qilinadi.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali.

"ABAY HIKMATI" AYLANMA SKANVORDI

Avval bo'sh kataklarga soat mili yo'nalishida skanvord javoblarini yozing. So'ng shaklning o'rta qismidagi raqamlarni javoblar yozilgan raqamli xonalardagi harflar bilan almashtirish orqali topshiriqni hal eting. Shunda qozoq mumtoz shoiri Abay Qo'nonboyev yozib qoldirgan ikki misra hikmatni bilib olasiz.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18			
Xalq termalari qo'shig'i	Burlardan biri	Tong shabadas	Ikki misra she'r	Ikki shoxli yog' och	Kurant bongi	Taqinchoq	Harir, tabobat matosi	Ingliz yozuvchisi	Ekran asari	Bahor guli	Sayqal	O'zbek xalq maqomi	Ahmad (adib)	Qadrdon, o'rtoq	Vaqt o'lchovi	Saodat, tole	Kunning musaffo payti	She'riyat	Arab tilida quyosh	Sport turi
Abay hikmati																				

<p>MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI</p> <p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.</p> <p>Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich</p>	<p>TAHRIR HAY'ATI</p> <p>Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyeov, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").</p>	<p>Dizaynerlar Abdulayev Xurshid O'ktamjonovich Norboyev Jamoliddin Jumanazar o'g'li</p> <p>Navbatchi Javlon Vafoyev</p>	<p>«YOSHLAR OVOZI» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.</p>	<p>Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz</p> <p>"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.</p> <p>Indekslar: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda.</p> <p>Buyurtma G-836 Adadi — 12073</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 01.10 O'z yaki — 23.20</p>
---	--	--	--	---